



# O'ZBEKISTON OVOZI

● 2011-yil, 1-mart. Seshanba ● 26 (31.302) Ijtimoiy-siyosiy gazeta ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan ● www.uzbekistonovozi.uz

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

**2011 йил 5 март шанба дам олиш кунини**  
**2011 йил 7 март душанбага кўчириш тўғрисида**

Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ҳамда аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2011 йил 5 март шанба дам олиш куни 2011 йил 7 март душанбага кўчирилсин;

2011 йил 5 март шанба куни иш куни деб эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2011 йил 28 февраль

## Болалар спорти:

# АСОСИЙ МАҚСАД — СОҒЛОМ АВЛОДНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШ

Аввал хабар қилинганидек, Президент Ислам Каримов раислигида 2011 йил 25 февраль куни Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мазкур кенгаш аъзолари, Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, Президент девони ва Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Қуйда Ҳомийлик кенгаши йиғилишининг баёни эълон қилинмоқда.

### I. 2010 йилда болалар спорти иншоотлари ва сузиш ҳавзаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш дастурини амалга ошириш якунлари тўғрисида.

1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Б.Хўжаевнинг 2010 йилда болалар спорти объектлари ва сузиш ҳавзаларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш дастурини амалга ошириш якунлари тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Андижон (А.Усмонов), Самарқанд (З.Мирзаев) ва Сурхондарё (Т.Жўраев) вилоятлари ҳокимларининг қуйдаги мурожаатлари қабул қилинсин:

Самарқанд вилояти Пастдаргом туманидаги профессионал футбол клуби қошидаги болалар ва ўсмирлар футбол мактабининг «Динамо» стадионини реконструкция қилиш 2011 йил февраль ойида якунлангани тўғрисида;

Андижон шаҳридаги профессионал футбол клуби қошидаги болалар ва ўсмирлар футбол мактабининг янги «Андижон» стадионини қурилиши 2011 йил сентябрь ойида якунлангани тўғрисида;

«Барқамол авлод — 2011» спорт мусобақаларини ўтказишга мўлжаллаб Термиз шаҳрида қурилаган иккита спорт иншооти ягона комплекс сифатида жорий йилнинг 15 мартгача топширилиши тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев комиссия ташкил этсин ва жорий йилнинг март ойида Термиз шаҳридаги спорт объектлари ва зарур инфратузилманинг «Барқамол авлод — 2011» спорт мусобақаларини ўтказишга тайёргарлиги ҳолатини текширсин. Текширув натижалари ҳақида 2011 йилнинг 1 апрелигача Президент Девонига маълумот берсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Б.Хўжаева:

комиссия ташкил этсин ва бир ой муддатда жойларга чиқиб, аввал бунёд этилган сузиш ҳавзаларининг ҳолати ва уларнинг фойдаланиш ҳавфсизлиги бўйича халқаро стандартлар ва талабларга мувофиқлигини ўргансин. Текширув натижаларини бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлар режасини 2011

йилнинг 1 апрелигача тасдиқласин;

2011 йилда болалар спорти объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича манзилли дастурга Урганч шаҳрида иккита сузиш ҳавзаси қурилишини киритсин;

болалар спорти объектларида, айниқса, сузиш ҳавзаларида намунавий лойиҳалар, шунингдек, қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда тасдиқланган қурилиш меъёрлари ва қоидаларига қатъий риоя қилинишини таъминлаш борасида қаттиқ назорат ўрнатсин ва уларнинг қатъий белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилишини таъминласин.

4. Иқтисодий вазирлиги (Р.Ғулмонов), Молия вазирлиги (Ж.Кўчқоров), Халқ таълими вазирлиги (А.Очилов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир hafta муддатда болалар спорти объектларини қурилишининг 2011 йил учун худудий манзилли рўйхатларини тасдиқласин ҳамда жорий йилнинг 15 мартгача объектлар қиймати-нинг 30 фоизи миқдорига бўнак ажратилиши ҳисобидан молиялаштирилишини таъминласин.

### II. 2010 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағларини республика ва худудий манбалар ҳисобидан шакллантириш ва улардан мақсадли фойдаланиш ҳолати тўғрисида.

5. Вазирлар Маҳкамаси (Ш.Мирзиёев), Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси (А.Очилов) Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағларининг республика ва худудий манбалар ҳисобидан ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда шаклланиши устидан қатъий тизимли назорат ўрнатсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев ЕҒ-мой ва озик-овқат саноати уюшмаси раиси Р.Бўриевнинг 2010 йилда болалар спортини ривожлантиришнинг молиялаштиришга ҳомийлик маблағларини ўз вақтида ўтказиб берагани учун жавобгарлиги масаласини кўриб чиқсин.

(Давоми 2-бетда.)

## ЎЗХДП: ҳамкорликдаги янги лойиҳа



# Ташаббус электорат манфаатига хизмат қилади

Микромолиявий хизматлар кўламини кенгайтириш янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамиятга эга

Самарқанд вилоятининг Оқдарё туманида «Микромолиявий хизматлар кўрсатиш кўламини кенгайтириш орқали янги иш ўринлари яратиш имкониятлари» мавзусида иқтисодий форум ташкил этилди.

Аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлами тобора камайиб бориши мамлакат тараққиётининг муҳим кўрсаткичларидан бирidir. Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз Сайловолди дастурида мазкур қатламни ўрта синфга ўтказишга хизмат қиладиган қатор гоаяларни илгари сурган. Айни пайтда бу вазифаларни бажариш учун нафақат қонун-

ларни такомиллаштириш бўйича, балки амалий жиҳатдан ҳам қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Партия Марказий Кенгаши Марказий банк билан ҳамкорликда ишлаб чиққан лойиҳа шулардан бирidir.

Кам таъминланган, лекин ишга қобилиятли кишилар, аёллар, ёшлар, жумладан, касб-хунар коллежларини битираётган йигит-қизлар ўз ишини

бошлашига кўмаклашишда «Микромолиявий хизматлар кўрсатиш кўламини кенгайтириш орқали янги иш ўринлари ташкил этиш» лойиҳаси муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Лойиҳа бўйича илк иқтисодий семинар Тошкент вилоятининг Қибрай туманида ўтказилган эди.

→ 3

## Тадбир

# Оила — муқаддас кўрғон

Оила ва никоҳ ҳар бир инсон учун муқаддас тушунчадир. Шу боис, никоҳни тузиш тартиби ва шартлари, никоҳни бекор этиш асослари тўғрисида ҳар бир ёш муайян ҳуқуқий ва психологик тасаввурга эга бўлмоғи лозим.

Адлия вазирлигида Республика «Оила» илмий-амалий маркази, Тошкент давлат юридик институти билан ҳамкорликда тайёрланган «Никоҳланувчиларга ҳуқуқий психологик қўллама» номли китобнинг тақдими бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Адлия вазирлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг масъул ходимлари, Хотин-қизлар кўмитаси, Республика «Оила» илмий-амалий маркази, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоят ФХДЎ идоралари вакиллари, шунингдек, ҳуқуқшунос олимлар ва талабалар иштирок этди.

Тақдиротда сўзга чиққанлар китобнинг бугунги кундаги аҳамиятини таъкидлаб, оила қуриш оstonада турган ёшлар учун никоҳ тузиш шартлари, уни тузишга монелик қиладиган ҳолатлар, шунингдек, бундай муаммага дуч келганда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби масалалар бўйича атрафлича тушунча берилди.

Тадбирда оилани мустаҳкамлаш, ёш оилаларга гамхўрликни кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий-ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, соғлом ва мустаҳкам оила барпо этиш учун зарур шарт-шароит яратиш борасида орттирилган тажриба ва ютуқлар тўғрисида фикр-мулоҳаза билдирилди.

Равшан ШОДИЕВ

## 2 март — Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган кун



# Ўзбекистон — БМТ: Тараққиёт йўлида ҳамкорлик

Бугунги кунда жаҳонда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, халқ фаровонлиги ва унинг муносиб турмуш даражаси, тараққиётини таъминлаш ҳар қачонгидан муҳим. Айниқса, экологик муаммоларни бартараф этишда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади. Улар орасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти алоҳида мавқега эга.

→ 2

## Эътироф

Бирон-бир давлатга таъриф беришда унинг пойтахти, шаҳар ва қишлоқларига эътибор қаратиш лозим. Ўзбекистонда диққатга сазовор жойлар кўп. Бунга мамлакатдаги замонавий меъморчиликнинг энг илғор йўналишлари ва Шарқнинг бой меъморий меросини ўзига мўжассам этган қўллаб-қувватлаш иншоотларини мисол сифатида келтириш мумкин. Кенг ва раvon кўчалар, юзлаб янги мактаблар, коллежлар, маданият саройлари ва иходиёт уйлари ҳам шулар жумласидандир.

Ўзбекистоннинг энг олис ва чекка қишлоқларида ҳам аҳолига юқори малакадаги тиббий хизмат кўрсатиш марказлари мавжудлиги, тарихий ёдгорликлар таъмирланиб, янгидан қад ростлаётгани, миллий маданиятни тиклаш йўлида улкан ишлар амалга оширилаётгани алоҳида эътирофга сазовор.

Ўзбекистон мустақил тараққиётнинг 20 йили давомида асрларга татигулик йўлни босиб ўтди. Унга янгидан-янги зафарлар ва марраларни забт этмоғини тилаб қоламиз.

Эстер СЕГАЛ,  
«Менора» газетаси  
бош муҳаррири (Исроил)

## ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKINING 2011 йил 1 мартдан бошлаб хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан белгиланган қиймати

1 Австралия доллари	1691,87	1 Миср фунти	283,34	1 СДР	2616,79	10 Жанубий Корея вони	14,79
1 Англия фунт стерлинги	2681,69	1 Канада доллари	1704,53	1 Туркия лираси	1043,83	10 Япония иенаси	204,16
1 БАА дирхами	453,94	1 Хитой юани	253,47	1 Швейцария франки	1797,52	1 Россия рубли	57,61
1 АҚШ доллари	1667,20	1 Малайзия рингити	546,62	1 Евро	2284,20	1 Украина гривнаси	210,19

\* Валюта қийматини белгиланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмайди.





# Ташаббус электорат манфаатига хизмат қилади

Микромолиявий хизматлар кўламини кенгайтириш янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамиятга эга

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Форум доирасида иқтисодий ўқув бўлди. Лойиш шаҳарчасида ўтган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси ва партия Марказий Кенгаши аъзолари, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар, фаоллар, Марказий банк масъул ходимлари, тижорат банклари, уларнинг вилоят ва туман филиаллари раҳбарлари, оилавий бизнес, хунармандчилик ва касаначилик билан шуғулланаётган кишилар, ўз хусусий тадбиркорлигини ташкил этиш ҳақида юрган ёшлар, касб-хунар коллежлари битирувчилари иштирок этиди.

Тадбирда бугун банклар кредитлари орқали қўллаб-қувватлаш зарурлиги ва бу оилалар фаровонлигини таъминлашга хизмат қилиши каби масалаларга эътибор қаратилди.

**Шарбат Абдуллаева,** ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари:



— Тараққиётнинг Ўзбек модели бугун дунёда ўзига хос ва бетақдор модель, энг тўғри ва ҳаётий йўл сифатида ўрганилмоқда. Бозор муносабатларига ўтиш, бу жараёнда аҳолининг ўта бой ёки ўта қашшоқ тоифага ажралиб кетишига йўл қўймаслик ўз-ўзидан бўлмайдиган, албатта. Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётда бизнинг партиямиз ҳам фаол иштирок этишга ҳаракат қилмоқда. Марказий банк билан ҳамкорликдаги мазкур лойиҳамиз айнан шу мақсадга қаратилган.

Кўлидан иш келадиган ҳар бир одам меҳнат қилиши, ўз иқтидорини намойён этиб, оиласига ҳам, жамиятга ҳам фойда келтириши керак. Бизнинг мақсадимиз — кишилар ўзи ва оиласига барқарор даромад манбаини яратиши учун кўлимиздан келганча имконият туғдиришдан иборат.

Бу биринчи навбатда, кўлидан иш келадиган, касб-хунари бор, аммо ҳаётда ўз йўлини топпамаётган ёшлар учун нихоятда зарур. Бундай ёшлар ўз вақтида озгина қўллаб-қувватланса, кейинчалик улардан улкан бунёдкорлик ишларини кутиш мумкин. Шу орқали партиямиз Дастурида белгиланган аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ ишлар ўз-ўзидан амалга ошади. Биз, аввало, жамият тараққиётдан, қўллаб-қувватлашга муҳтож кишиларнинг тобора камайиб бориши ва ўрта синфга қиришадан манфаатдоримиз.

**Мажиҳид Усмонов,** Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:



— Мен Оқдарё сайлов округидан иккинчи марта Қонунчилик палатасига сайландим. Бизнинг одамларимизга озгина йўл-йўриқ кўрсатиш, бироқ қўллаб-қувватлаш кифоя. Қолганини меҳнат, хунарманд, тадбиркор халқимизнинг ўзи олиб кетади.

Шундоқ ҳам қанчадан-қанча хунарманд уйда меҳнат билан шуғулланади, халқ амалий санъатининг нодир ва ноёб намуналарини яратди. Агар уларга имконият яратиб берилса, халқимизнинг тарихий аъёнлари ва қадриятларини ривожлантиради, дунёга тарғиб этади. Шу билан бирга, шогирд етиштиради, уларни ишли қилади. Ана шундай ноёб истеъдод эгаларини биз фақат қўллаб-қувватлашимиз керак.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатларимиз айни пайтда партиямиз Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, «Касаначилик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси устида ишламоқда. Бу қонун амалга киритилса, уй меҳнати билан шуғулланаётган кишиларга янада кенг имкониятлар яратилади.

Бугун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлигини бошламоқчи, уни ривожлантирмоқчи бўлган кишилар учун жуда фойдаланарли бўлди. Энди партия ташкилотларимиз бундай ўқувларни бевосита жойларда ташкил этиши керак. Кишиларга ўз ишини ташкил этишда фойдаланиш тегсиз, лойиҳадан қўзланган мақсадга эришган бўлапти.

**Нуралӣ Бердибоев,** Оқдарё туман ҳокими:

— Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бугун барчамизнинг энг муҳим вазифаларимиздан биридир. Туманимизда 128 минг аҳоли истиқомат қилади. 7 та касб-хунар коллежи бор. Ҳар йили уларни минглаб йигит-қизлар ботиришмоқда. Ҳар бир мутахассисни ўз соҳаси бўйича юқори ҳақ тўланадиган иш билан таъминлаш нафақат бу ёшлар, балки туманимиз, мамлакатимиз келажаги учун ҳам жуда катта аҳамиятга эга.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланадиганлар сони ёшлар ҳисобига кўпайиши иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлайди. Ёшларимизда интилиш, изланиш ва янгиликка талабчанлик, ўз бизнесини ташкил этиш орқали тенгдошларини ҳам иш билан таъминлаш иштиёқи гоятда кучли. Шундай экан, биз уларга мусоиб шарт-шароит яратиб беришимиз зарур. Туманимиздаги катта-кичик ҳар бир раҳбар ана



шундай ёшлардан 4 нафарини кўлидан тутиб, уларга йўл-йўриқ кўрсатиш ва ўз мустақил бизнесини ташкил этишига қўмақлаш ишини зиммасига олган. Бундай хайрли ишлар келажақда ўз мевасини беради, албатта. Қолаверса, шу йилнинг ўзида туманда 4129 та янги иш ўрни яратилган муҳим омили бўлади.

**Ақтам Сайфуллаев,** Марказий банкнинг Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш муроғлаштириш департаменти директори:

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётимиз тараққиётини белгиловчи кучга айланмоқда.

Вазирлар Мақамасининг йил якунарига бағишланган йиғилишида «Юртбошимиз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масаласига алоҳида тўхталиб, соҳага ажратилган кредитлар ҳажминини камида 1,3 баробарга ошириш, кредитлаш механизмни содда-лаштириш вазифасини кун тартибига қўйди. Бундай маблағларни чекка туманларга кўпроқ йўналтириш ва ишлаб чиқариш, шунингдек, инвестиция жараёнига алоҳида эътибор қаратиш уқдирилди.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурида ҳам микрокредитлашнинг янада соддалаштириш, имтиёзли кредитлар ҳажминини ошириш масаласи қўйилган. Оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантириш, бошланғич сармояни шакллантириш



бўйича кредитлар ажратиш ҳажмини кенгайтириш белгиланган. Касб-хунар коллежлари битирувчиларига микрокредитлар ажратиш, яъни уларнинг тадбиркор-



лик фаолияти билан боғлиқ лойиҳаларини молиялаштириш муҳим аҳамиятга эга. Тижорат банклариде имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси ташкил этилган бўлиб, жамғарма маблағини ошириш бўйича иш олиб боришмоқда. Бу жамғармадан бериладиган кредитларнинг фойз миқдори 6 фойз этиб белгиланган. Бундан ташқари, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси туширилиб, 12 фойз этиб белгиланганига ҳам тадбиркорликни ривожлантиришга рағбат сифатида қараш керак.

Оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни қишлоқ жойларида ривожлантириш масаласи алоҳида эътиборда. Оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга 12 миллиард сўмдан ортиқ кредитлар ажратиш кўзда тутилмоқда.

Оилавий тадбиркорлик субъектларига энг кам иш ҳақининг 150 баробари миқдоригача кредит ажратилади. Улар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Бандликка қўмақлаш жамғармаси ҳисобидан берилди. Бундан ташқари, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантириш учун тижорат банклари ҳам ўз маблағи ҳисобидан имтиёзли кредитлар ажратиш борасида ички ҳужжатларини ишлаб чиққан.

Ундан ташқари, касб-хунар коллежлари битирувчиларига микромолиявий хизматлари кўрсатиш борасида Вазирлар Мақамаси алоҳида дастур тасдиқлаган. Унга мувофиқ, битирувчиларга йилгирма икки миллиард сўмга яқин микромолиявий хизматлар кўрсатиш белгиланган. Касб-хунар коллежлари орасида тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган, ўз бизнес лойиҳасига эга ёшлар оз эмас. Бу йигит-қизларни тадбиркорликка жалб этиш бўйича мундан ҳам алоҳида эътибор қилиш керак. Шу лойиҳаларни молиялаштириш учун тижорат банклари имтиёзли микрокредитлар ажратиш ишларини кучайтиради.

Шу билан бирга, кредитларга янада қўлайлик яратиш мақсадида барча тижорат банклари ва уларнинг филиалларида «Тадбиркорлар хонаси» ташкил этилган. Тадбиркорлик фаолиятини юротаётган ёки янгидан иш бошлаётган фуқаролар бу ерда банк хизматлари бўйича маълумати олиши мумкин. Агар банк хизматидадан фойдаланувчи янада соддалаштириш, имтиёзли кредитлар ҳажминини ошириш мақсадида қўйилган. Оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантириш, бошланғич сармояни шакллантириш

доимо тайёрмиз. **Иброҳим САЛИМОВ,** «Микрокредитбанк» очик акциядорлик тижорат банки бошқаруви раиси ўринбосари:

— Иқтисодиётимизда микромолиялашнинг ўрни ортиб бораёпти. У бир вақтнинг ўзида ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий вазифани ҳал этаётган.

Бошланғич сармояни шакллантириш бизнесни бошлаш учун жуда муҳим аҳамиятга эга. Тадбиркорлар рўйхатдан ўтгач, олти ичиде «Микрокредитбанк»дан бошланғич сармояни шакллантириш учун кредит олиши мумкин. Энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдоридеги кредит имтиёзли равишда йиллик 3 фойз ставка билан берилди.

Хусусий корхона ёки масъулият чекланган жамғармаси ташкил этилган, энг кам иш ҳақининг 100 баробари миқдориде бошланғич сармоя учун кредит берилди. Бу — бир ярим йил муддатда, олти ойлик имтиёз билан йиллик 3 фойз ставкада.



Оилайлик, тадбиркор юридик шахс бўлиб, маълум муддат ишлади, тажриба тўплади. Унда ёнги гоғлар, лойиҳалар пайдо бўлди. Аммо ишни ривожлантириш учун маблағ етмапти. Энди иккинчи йўналиш бўйича, яъни айлана маблағни тўлдирши мақсадида энг кам иш ҳақининг 500 баробари миқдоригача кредит олиши мумкин. Бунинг фойз ставкаси Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг эътиборида имтиёзли равишда берилди. Яъни, йиллик 6 фойз.

Ўз фаолиятини ривожлантиришга, дейлик, у ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ўтмоқчи. Бу борада микролизиш хизматлари кўрсатиш ташкил қилинган. Бунинг миқдори энг кам иш ҳақининг икки минг баробари миқдоригача бўлиб, йиллик беш фойз ставка билан уч йил муддатга берилди.

Коллеж битирувчиларига кредитлар ажратиш бўйича ҳам йўналишимиз бор. Йигит-қизлар эгаллаган касби, хунари бўйича ўз ишини ташкил этмоқчи бўлса, банкимиздан бошланғич сармояни шакллантириш учун кредит олиши мумкин.

Маълумки, таъминотсиз кредит берилмайди. Шу сабабли жойлардан келатган мурожаатлардан келиб чиқиб, кредит сийосатимизга ўзгартиш киритдик. Коллежни битирган ўқувчида таъминот бўлмаса, таъминот сифатида ота-онаси ёки акаси, опаси иш ҳақи тўғрисидаги маълумотни тақдим этиши, улар қўлаб бўлиши мумкин. Умуман, банкимизда тадбиркорлик, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича механизм яратилган. Барча кредитларимиз имтиёзли ва улардан катта-кичик фойдаланиши мумкин.

●●● Иқтисодий ўқув савол-жавоблар асосида давом этади. Ишти-

рокчилар хизмат кўрсатиш соҳаси, кичик корхоналар ташкил этиш ва кенгайтириш, паррандачиликни ривожлантириш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, ўз ишини ташкил этмоқчи бўлган ёшлар ишни нимадан бошлаши билан боғлиқ қўллаб-қувватлаш билан мурожаат қилишди. Уларнинг барчасига мутахассислар жавоб қайтарди. Марказий банк ва тижорат банклари мутахассислари кичик бизнес, оилавий тадбиркорлик ва бошланғич сармояни шакллантириш, ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича тушунча ва маслаҳатлар беришди.

Айтиш ўринлики, ХДП фаоллари дастлаб Марказий банк ва тижорат банклари кўмағида кредит олишга ва уни ишлатишга лаёқатли бўлган электорат вакиллари аниқлашди. Самарқанд вилоятида янги иш ўринлари яратиш борасидаги устувор йўналишдан келиб чиқиб, тақдим этилган бизнес лойиҳалар ўрганиб чиқилди. Тадбирда истиқболли деб топилган лойиҳа эгаларининг 50 нафардан ортигига имтиёзли микрокредит олиш ҳуқуқини берувчи тижорат банкларининг сертификатлари топширилди.

Шунингдек, форум доирасида электорат вакиллари ишлаб чиқараётган маҳсулотлари ва буюмлар кўрғазмаси ҳамда тижорат банклари томонидан микромолиявий хизматлар кўрсатиш бўйича кўрғазма ташкил этилди. Форумнинг яна бир ўзига хос томони шунда бўлдики, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишувга асосан, Самарқанд вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош босқармаси ҳамкорлигида бўш иш ўринлари ярамаси ташкил этилди. Мазкур тадбир тўғрисида қўллаб-қувватлаш ва ёшлар муҳим иш топши имконига эга бўлди.

Форум доирасида, шунингдек, кўча Жамоатчилиқ қабулхонаси ташкил этилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга партияимиздан сайланган депутатлар фуқароларни қабул қилишди.

— Мен транспорт касб-хунар коллежини битириб, бир йил давомида устоз-шогирд усулида мутахассислигим бўйича тажриба орттирдим, — дейди Каттақўрғон туманидан келган Аслиддин Самакулов. — Энди ўзим автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохчаси очмоқчи бўлиб, бизнес режамни банкка топширган эдим. Бугун имтиёзли микрокредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатни қўлга киритдим. Яна банк кредитидан фойдаланиш шартлари, уни самарали ишлатиш йўллари ҳақида керакли билимга эга бўлдим. Бу менга жуда ақсоқди. Келажақда ишимни ривожлантириб, янги-янги хизмат турларини жорий этиш ниятдам бор.

— Мен 2006 йили Самарқанд шаҳридаги Агротадбиркорлик коллежини битирганман, — дейди Камола Абдураулова. — Турмуш ўртоғим билан оилавий бизнесимизни ташкил этганмиз. Яқинда уни кенгайтириб, 4 нафар чевар қизни ишга қабул қилдик. Ишимизни янада такомиллаштириш бўйича лойиҳамиз бор эди. Мана, имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатга эга бўлдик. Энди ишчилар сонини 8 нафарга етказамиз.

Сертификатга эга бўлган ёшлар тадбир ташкилотчилирига миннатдорлик билдиришди. Уларнинг гап-сўзларидан эртанги кунга ишончи, бундан-да улкан ишларга қодир экани яққол сезилиб турарди.

**Бехзод ШУКУРОВ,** «Ўзбекистон овози» мухбири.

## ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

■ Сирдарё вилоят партия кенгашининг пленуми арафасида ўзаро суҳбатлашаётган ёшлар эътиборимни тортиди.

— Сизлар ҳам пленумда иштирок этасизларми? — деб сўрадим улардан.

— Ҳа, — деди ўзини Гулистон давлат университети физика-математика факультети талабаси Сарвар Султонов деб таништирган йигит. — Бугун биз Халқ демократик партиясига аъзолик гувоҳномасини оламиз. Гоғлари мақсадида ҳамоҳанг партия сафида бўлиш биз учун қувончли, шу билан бирга, масъулиятлидир.

## Изланиш, фаоллик, ташаббус

бугун фаолиятимиз ана шу мезонлар билан ўлчанади

Пленумда Президентимиз илгари сурган Концепцияда белгиланган вазифалар ижросида вилоят партия ташкилотининг амалий иш-тирокин кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар муҳокама қилинди. — Концепциянинг изчил амалга оширилиши электорат манфаатларига хизмат қилади, — деди вилоят партия кенгаши раиси **Алишер Тошматов**. — Аввало, ҳар биримиз уни пухта ўрганишимиз, шундан келиб чиқиб, аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш, хотин-қизлар ва ёшларни меҳнатга жалб қилишда партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари амалий иш қилиши керак.

**Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилиши жамоатчилик назорати кучайтиришга ҳам боғлиқ. Бунинг учун ҳар биримизда ислохотлар тақдирига масъуллиқ бўлиши лозим. Бугун ҳар бир партия аъзоси, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлардан қатъият, фаол изланиш ва ташаббус талаб этилаётир.**

— Ҳар қандай сиёсий партиянинг жамиятдаги мавқеи амалий ишлари билан ўлчанади, — деди **Бобвут туман партия кенгаши раиси Раббимкул Ибрагимов**. — Бу борада депутатлар ваколати ва имкониятидан кенг фойдаланиш керак. Депутатлар аҳоли орасига кириб бориши, электоратни ўйлантираётган масалаларни чуқур ўрганиши, айни пайтда, ечим бўйича амалий тақлиф бериши зарур. Бугун депутат фаолиятига ана шу вазифани қандай бажараётганига қараб баҳо берилишини унутмаслик жоиз.

— Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамкорлигини кучайтириш давр тақозоси, — деди **«Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси Убайдулло Тошпўлат Хайитбоев**. — Шундай экан, партия ташкилотлари аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож қатлами вакиллари аниқлаш ва ижтимоий ҳимоя манзиллигини кучайтиришда ана шу ҳамкорликка таяниши керак.

Пленумда сўзга чиққанлар, шунингдек, бошланғич ташкилотлар фаолиятини янада кучайтириш, депутатлик гуруҳлари ва партия фаолларининг ҳамкорлиги ҳақида фикр алмашишди.

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,** «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП Қорақалпоғистон Республика кенгашининг навбатдаги пленумида ҳам мазкур масалалар диққат-эътиборда бўлди.

— Концепцияда илгари сурилган гоғлар партиямиз дастурий мақсадларини амалга оширишга ёрдам беради, — деди **Қорақалпоғистон Республика партия кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Қувват Қўрбонбоев**. — Энг муҳими, у фуқароларнинг фаолиги ошишини кўзда тутди. Шу боис, кенг жамоатчиликка, аввало, электоратга Концепциянинг ҳаётимиздаги аҳамияти тўғрисида етарли тушунча бериш керак.

Аҳоли бандлигини таъминлаш — долзарб масалалардан бири. Маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари бандлик дастурининг жойларда тўла-тўқис бажарилиши масаласини ўрганиб, тегишли сессияларга киритиб келмоқда. Мазкур сессияларда йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар муҳокама қилиниб, тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Аммо натижа кутилганидек эмас. Шу боис, бу борадаги ишларни жадаллаштириш, хусусан, аҳоли бандлигини таъминлашда маҳаллий ҳокимият идоралари зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан жамоатчилик назоратини кучайтириш керак.

**Олайлик, жорий йилда аксарият туманларда чорвачилик, паррандачилик ва баллиқчиликни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигига эришиш кўзда тутилган. Бу ўринда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар қилинаётган ишларни доимий кузатиб, ўрганиб бориши ва юзга келмаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича амалий тақлиф билан чиқиши лозим.**

— Концепцияни ўрганиш ва унинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказишда бошланғич партия ташкилотларининг имконияти катта, — деди **Қанликўл туман партия кенгаши раиси Тангатар Каипназаров**. — Галдаги вазифалардан бири — фаол ташкилотлар тажрибасини бошқа жойларда ҳам кенг жорий қилишдан иборат.

— Ёш сиёсатчиларга Концепциянинг мазмун-моҳиятини тушунириш орқали уларнинг етакчилиқ қобилиятини ривожлантириш, уларда фуқаролик позициясини шакллантириш муҳим, — деди **«Истикбол» ёшлар қаноти Қорақалпоғистон республика бўлими етакчиси Гулмира Узақбергенова**. — Демократик ислохотларнинг ўзига хос янги босқичида, айниқса, ёшлар фаолиги зарур. Шунинг учун машғулларни янгича тартибда ташкил қилишга, бунда ҳар бир масала юзасидан талқин ва таҳлилга кенг ўрин беришга ҳаракат қилинапти.

**Реймбой ЕШИМБЕТОВ,** «Ўзбекистон овози» мухбири.

1 март — Зулфия таваллуд топган кун

# Бахтим шул — ўзбекнинг Зулфиясиман

Бу оқшом пориллар дил нурунгида,  
Дийдор бахти насиб яна Сиз билан.  
Турибман, азизлар, ҳузурингида  
Ҳамон ўтмиш кўнгиш, ёруғ юз билан.

Ҳамон мулкимадаги сийму зарим — шевор.  
Сочимда, чехрамда йиллардан нишон,  
Саждагоҳим танҳо Ватан, Она Ер,  
Орзуларим карвон, сарбоним — ишон.

Ҳамон ота-онам — икки жаҳоним  
Азиз ёди аро шикаста, бутман.  
Ишқим — алангадир, қордир ҳижроним,  
Саксон йил лобуллаб сўнмаган ўтман.

Иккита кўзимга икки қорачи —  
Мунисим, Хулқарим, алшим Омоним.  
Ширин набиралар ҳаётдан тортиб,  
Ҳар бири жонига пайванддир жоним.

Номлари, ёдлари пайгамбар монанд  
Ҳазрат устозларим — теран илдишлар,  
Мен ундан жон олиб кўрган дарахт,  
Меваси — қалбимдан отилган сўзлар.

Ҳикматлар бағрида дур, марваридим  
Аждодларим менга ифтихор, гурур.  
Шу мавжлардан томан нуқра умидим  
Шоира қизларим баҳи этган сурур.

Бу назм боғига киролмас ҳазон,  
Бизни маҳв этолмас забоб лашкари,  
Мен кетсам мунаймас умрим ҳеч қачон,  
Бу боғлар — бир боғлар бўлади ҳали...

Ҳамон эътиқодим — ҳақиқат, ҳақдир,  
Сўзлайман, юзимни тўтиб Кабага,  
Елаира олмайди ўтқиғи тақдир,  
Осуда ўтади руҳим абадга.

Эъзозлар, ардоҳлар учун ташаккур!  
Асли Сиз офтобим, мен зийёсиман.  
Тонглариңиз кулсин дорилмомон, ҳур,  
Бахтим шул — ўзбекнинг Зулфиясиман.



2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий  
тадбиркорлик йили

## Ишонч — тадбиркорга қанот

Одамзотнинг орзу-умидлари чексиз. Ҳар бир инсон бекаму кўст яшашга интилади. Фаровон ҳаёт куриш, дунё неъматларидан баҳра олиб, саодатли умр кечириш эса ҳар кимнинг ўзига боғлиқ. Мамлакатимизда бунга етарлича шарт-шароит яратилган. Шу маънода, жорий йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилинишида чуқур маъно, катта мақсад бор.

Президентимиз йил якунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий-дегари рол ва улущини ошириб бориш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Прокуратура органлари зиммасига эса тадбиркорларнинг фаолиятига ҳар қандай ноқонуний аралашувни қонуний қўриб чиқиш ва ҳуқуқбузарларга тегишли жавобгарлик белгилаш вазифасини топширди. Юртбошимизнинг бу даъватидан келиб чиқиб, прокуратура органлари томонидан тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга кўмак бериш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш мақсадида мутасаддилар ва кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Хусусан, туманимизда тадбиркорлар билан ўтказилаётган учрашувларда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари тушунтирилмоқда, оммавий ахборот воситалари орқали хусусий секторга яратилаётган шарт-шароит ва имтиёзлар ҳақида чиқишлар қилиниб, зарур ҳолларда ҳуқуқий ёрдам кўрсатилмоқда.

Тадбиркорларнинг муаммоларини ўрганиш мақсадида туман прокуратурасида 007 рақамли «Ишонч телефони» ишлаб турибди. Бундан ташқари, туман марказидаги «Фориш дехқон бозори» худудида «Ишонч кутиси» ташкил этилган. Туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда ҳар ойда икки марта тадбиркорлар билан очик мулоқот ўтказилмоқда.

Ҳозиргача 4 мартаба шундай учрашув ташкил этилди. Уларда асосий эътибор туманда тадбир-

корликни ривожлантириш, ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш, бўш турган биноларни фойдаланишга бериш ва шу орқали фуқаролар, айниқса, ёшларнинг бандлигини таъминлашга қаратилмоқда.

18 январь куни Уҳум қишлоғида яшовчи фуқаро А.Алиев «Агробанк» Янгиқиллоқ бўлимига уқаси «Ҳамро Халифа АА» фермер ҳўжалиги раисси Н.Алиев кредит ажратишни сўраб ариза берганига бир йил ўтса-да, ҳал этилмаётгани ҳақида «Ишонч телефони» орқали мурожаат этган. Мазкур ҳолат ўрганиб чиқилиб, фуқаронинг ваҳлари асосли деб топилди ва унга 2011 йилнинг 25 январь куни 7 миллион сўм кредит ажратилишига ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди. Шу билан бирга, ўз вазифасига масъулиятсизлик билан муносабатда бўлган банк ҳодимларига нисбатан тегишли интизомий чора қўлланилди.

Иқтисодий эътибор ривожлантиришда етакчи омилардан бўлган тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш прокуратура органларининг асосий вазифаларидан биридир. Шундай экан, уларга имтиёзли кредитлар олишда, тадбиркорлик билан шугулланишни ихтиёр этган фуқароларга иш бошлашида зарур ёрдам кўрсатиш муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз. Тадбиркор фаолиятга тўсиқ бўлган киши қонунни бузган ҳисобланади ва тегишли жазога тортилади.

**Рашид АБДУГАНИЕВ,**  
Фориш туман прокурори,  
адлия кичик маслаҳатчиси.

Анжуман

### Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи янги лойиҳа

Кўни кеча Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасида «Ўзбекистон истеъмолчилари ахборот-ресурслари» порталининг тақдими бўлиб ўтди.

Матбуот анжуманида БМТ тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги вакиллари, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ҳамда реклама берувчи ташкилот ва корхоналарнинг масъул ҳодимлари иштирок этди.

Тадбирчи Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Умар Турдиев очиб, бозор муносабатлари жараёнида истеъмолчилар турли хизмат вакиллари билан ўзаро муносабатга киришиб, кўп ҳолларда қонун талаблари бузилишига йўл қўяётганини, шу боис истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамоат назоратининг ахборот-маълумот тизимини яратиш зарурати туғилганини, www.istemoiuchi.uz ахборот-ресурси шу мақсадга хизмат қилишини таъкидлади.

Айтиш жоизки, бу ахборот-ресурси амалий хусусиятга эга. Яъни, у истеъмолчининг компьютер орқали он-лайн сўровномасини тўлдириш ёрдамида Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига шикоят юбориши ёки мурожаат қилиши учун имкон туғдиради. Бундан ташқари, истеъмолчи ўз ҳуқуқини бузган ташкилот ё корхонага мурожаат этиши, маслаҳат олиши, истеъмол ҳуқуқига риоя этиши ёки реклама соҳасидаги тартиб-қоида билан танишиши мумкин. Истеъмолчилар www.istemoiuchi.uz манзили орқали ўзбек ва рус тилидаги мазкур ресурсдан бемалол фойдаланиши имконига эга.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ

Ватан ҳимояси — олий шараф



Энедмила НОРМУРЗОДОВ олган сурат.

Тошкент вилоят мудофаа ишлари бошқармаси йиғув пунктида навбатдаги қақирлувчиларни кузатиш маросими бўлиб ўтди.

— Ўғлим Бобур тенгдошлари қатори Ватанимизни ҳимоя қилишга отланаётганидан хурсандимиз, — дейди Норгул Тунгатов. — Ҳарбий хизмат фарзандларимизни чиниқтиради, тоблаиди. Кейинги ҳаёт йўлини танлашида ҳам армияда олган сабоғи қўл келадди.

Куйичирчиқ туманидан муддатли ҳарбий хизматга отланаётган Бобур Тунгатов оилада бешинчи фарзанд.

— Бугун орзуим ушалди, — дейди Бобур. — Негаки, мен ҳам ўртоқларим сингари армияга кетаяпман. Ота-онамнинг ишончини оқлаб, ҳақиқий Ватан ҳимоячиси бўлишга сўз бераман.

Ҳарбий хизматга қақирилган йигитларни кузатиш ҳақиқий шодийнага айланиб кетди.

(Ўз мухбиримиз.)



# «АГРОБАНК» ОАТБ

замонавий, қулай ҳисоб-китоб ва жамғарма воситаси бўлган миллий ҳамда чет эл валютасидаги карточкаларини таклиф этади!

Миллий валютадаги пластик картлар учун 2011 йил 1 апрелдан бошлаб қуйида келтирилган тартибда фоизлар тўланади:

**ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР** учун — йиллик 1%  
**ТАЛАБАЛАР** учун — йиллик 10% (имтиёзли)  
**ЁШ ОИЛАЛАР** учун — йиллик 12% (имтиёзли)

Чет эл валютасидаги Visa Cardлар:

VISA ELECTRON  
VISA CLASSIC  
VISA GOLD

«Агробанк» — юрт ободлиги ва яратувчилик ғояларининг молиявий таянчи!

Хизматлар лицензияланган

ОБ-ҲАВО 01-02.03. 2011

	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	☁ 3°C	☁ 5°C
Самарқанд	☁ 0°C	☁ 5°C
Нукус	☁ -3°C	☁ 2°C
Қарши	☁ 5°C	☁ 10°C
Урганч	☁ -3°C	☁ -2°C
Навоий	☁ -3°C	☁ 2°C
Фарғона	☁ 0°C	☁ 5°C
Бухоро	☁ -3°C	☁ 2°C
Андижон	☁ 0°C	☁ 5°C
Наманган	☁ 0°C	☁ 5°C
Термиз	☁ 5°C	☁ 10°C
Жиззах	☁ 0°C	☁ 5°C
Гулистон	☁ 0°C	☁ 5°C
Тошкент вил.	☁ 0°C	☁ 5°C

Лондон	☁ 3°C	☁ 1°C
Париж	☁ 3°C	☁ 3°C
Москва	☁ -14°C	☁ -15°C
Мадрид	☁ 3°C	☁ 4°C
Пекин	☁ -5°C	☁ -3°C
Гонгконг	☁ 18°C	☁ 16°C
Рим	☁ 6°C	☁ 5°C
Анқара	☁ 3°C	☁ 1°C
Токио	☁ 4°C	☁ 3°C
Стокгольм	☁ -7°C	☁ -9°C
Кейптаун	☁ 21°C	☁ 17°C
Қоҳира	☁ 11°C	☁ 6°C
Гавана	☁ 20°C	☁ 20°C
Вашингтон	☁ 2°C	☁ 2°C

Мирзо Улғубек номидаги Фарғона давлат педагогика институтини (ҳозирги Фарғона давлат университети) томонидан 1989 йилда Ибрагимова (Расуллова) Ораса Гафуровна номини берилган РБ № 884555 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент вилояти Юқоричирчиқ туманидаги 23-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1994 йилда Туропов Темурлан Саматович номини берилган U № 4006181 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти кенгаши ҳақ депутатлари Юқоричирчиқ туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари, туман Кенгаши депутати **Тўлеген ДҮЙСЕКУЛОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON  
XALQ DEMOKRATIK  
PARTIYASI  
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV  
Latif G'ULOMOV  
Bobir ALIMOV  
Sharbat ABDULLAYEVA  
Murodulla ABDULLAYEV

Ulug'bek MUSTAFOYEV  
Tat'yana KISTANOVA  
(Bosh muharrir o'rinbosari)  
G'afur HOTAMOV  
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Muslihidin MUHIDDINOV  
Andrey KUSTOV  
Ochilboy RAMATOV  
Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45;  
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;  
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;  
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80;  
Ko'chibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

\*Sharq\* nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.  
Korxonaning manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.  
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 349  
21781  
naxsada bosildi.

t — Tijorat materiallari  
O'zA yakuni — 21.30  
Topshtirgan vaqti — 01.35

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:

To'liq TO'RXONOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar:  
Sobirjon TUNG'ATOV,  
Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5